

ФАСОЛ *VICA FABA L* НИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ОБ-ҲАВОНИНГ БОҒЛИҚЛИГИ

Жўраев Сирожиддин Турдикулович, биология фанлари доктори, профессор,
Жуманова Махлиё Бобоқуловна, кичик илмий ходим
ORCID: 0009-0002-5559-7855
Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти.

Аннотация. Ушбу мақолада жанубий минтақалар шароитида етиштирилган фасол *Vica faba L* нав ва тизмаларининг дон ҳосилдорлиги кўрсаткичларига таъсири муҳит омиллари хусусан, ҳаво-ҳароратининг таъсири ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган.

Калит сўзлар: ҳосил, уруғ, нав, ҳарорат, қурғоқчил, намлик, биомасса, тупроқ, ўсимлик

Аннотация. В статье представлены данные о влиянии факторов окружающей среды, в частности температуры воздуха, на урожайность зерна и качественные показатели сортов и линий фасоли *Vica faba L.*, выращиваемых в условиях южных регионов.

Ключевые слова: урожайность, семена, сорт, температура, засушливость, влажность, биомасса, почва, растение

Abstract. The article presents data on the influence of environmental factors, in particular air temperature, on grain yield and quality indicators of varieties and lines of *Vica faba L.* beans grown in the conditions of southern regions.

Keywords: yield, seeds, variety, temperature, aridity, humidity, biomass, soil, plant

Кириш: Сўнгги йилларда республикамызда ноанъанавий экинларни кўпайтириш ва плантацияларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу сабабли, кейинги йилларда ноанъанавий экин турларини республикамыз тупроқ шароитида кўпайтириш ва хом-ашё базасини яратиш соҳасида кенг масштабда ишлар давом этмоқда. Лекин муаммоларнинг илмий ечимини топишда авваламбор янги ноанъанавий экинларни Республиканинг иқлим шароитига мослаштириш, етиштиришнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги саноати учун экинлар турларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Замонавий қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат ва ем-ҳашак учун арзон, оқсил юқори ва тупроқни органик бирикмалар билан бойитувчи бу дуккакли дон экинлар ҳисобланади.

Фасол (*Vica faba L*) уруғи ҳосилдорлигини белгилловчи муҳим омиллардан бири тупроқ шароитидир. Фасол *Vica faba L* енгилроқ тупроқларда ҳам ўстирилиши мумкин, лекин улар етарли даражада нам бўлиши керак. Фасол учун тупроқ кислоталилиги 6,5 ни ташкил этиш керак. [Вареница Е, 1978; Неттевич Э, 1974; Хохлова С. А, 1987; Вареница Е, 1978]. [3;4;7;2].

Фасол (*Vica faba L*) етиштириш дастурларининг асосий мақсадлари бошқа экинларга ўхшаш бўлиб, ҳосилдорлик, биотик ва абиотик стрессларга чидамлик бардошлик, мақсадида муҳитга мослашиш, мос фенология, ўсимликларнинг ўсиши, уруғлик сифати ва экинларни бошқаришни яхшилаш учун хусусиятларни ўз ичига олади. Фаба ловия кўпайтиришнинг иккита асосий усули-такрорий селекция даврлари билан популяцияни яхшилаш ва фаба ловиясини ўз-ўзидан чангланадиган экин сифатида кўриб чиқиш ва наслчилик линиялари орасидаги ўзаро чангланаш даражаси юқори. Анъанавий *Vica faba L* етиштириш элита ота-оналар, наслларни кўп босқичли синовдан ўтказишни, ўзига хос хусусиятлар бўйича ота-оналардан устун бўлган наслларни аниқлашни ва юқори навларни чиқаришни ўз ичига олади. Одатда бу жараён навини чиқариш учун 10 йилгача вақт олиши мумкин.

Қашқадарё воҳаси Қашқадарёнинг 1-5 терассасини эгаллаган бўлиб, тўртламчи давр пролювиал аллювиал ётқиқликлари билан қопланган. Қашқадарё водийси жанубда жойлашгани учун иқлими қуруқ ва иссиқ.

Қарши метеостанция маълумотларига кўра, тадқиқот олиб борилган 2023 йилда дуккакли экинларнинг бутун ўсув даврида ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати +20.6 °C, мартда +17,8°C ни ташкил этди. Энг юқори ўртача суткалик ҳаво ҳарорати +31.3°C ни ташкил этиб, июн ойида бўлганлиги кузатилди.

Ўрганилаётган дала тажрибалари Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Қарши тумани марказий тажриба майдонида олиб борилди. Тажрибалар ўқазилган 2023 йил мавсумида бошқа йилларга нисбатан ҳаво-ҳароратининг нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди.

Деҳқончиликда ҳаво ҳарорати, ёгин миқдори ва ҳавонинг нисбий намлиги ўсимликнинг ўсиш-ривожланиши, ҳосил структурасининг шаклланиши, ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичларига бевосита таъсир қилди. Ёгингарчилик миқдори 2023 йил қамайганлиги аниқланди яъни март, апрел ва май ойларида 3.6-9.0 мм мавсум бўйича ёгин, миқдори кескин қамайганлиги 53.1 мм ни ташкил этди.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқотда тажрибаларни жойлаштириш ва тадқиқот давомида фенологик кузатувлар, ҳисоб ва таҳлиллар «Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик институти ВИР» (1984) услуги бўйича (Дорофеев В. Ф. и др.) олиб борилди. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Доспехов услуги асосида амалга оширилди.

Тажрибалар Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг Қарши туманидаги тажриба майдонида 25 та нав ва тизмалар 3 қайтариқда қўл кучи ёрдамида экиш ишлари амалга оширилди.

Натижалар ва мунозара. Назорат кўчатзорида ўрганилган 25 та нав ва тизмаларнинг энг муҳим бўлган кўрсаткичларидан бири бўлган дон ҳосилдорлиги таҳлил қилинганда қайтариқлар бўйича ўртача 6-11,4 с/га гача бўлганлиги аниқланди.

Энг кам дон ҳосилдорлиги кўрсаткичини намоён қилган

Дон ҳосилдорлиги



3-расм: Фасол нав ва тизмаларининг дон ҳосилдорлиги, с/га (Қарши-2023-й.).

BPL 2784, S2011-042X Misr1, 10130-4/2010/HBP/DSO/2, 9883-3/2010/HBP/DSO/20, тизмаларда 6,1-6,4 с/га, ва энг юқори Luz de OtonoxSel. 2008 Latt. 638, SAEA, Misr 1, Misr1X SEL.2008 LATT.49LB тизмаларда дон ҳосилдорлиги 11 с/га дан 11.6 с/га гача бўлганлиги аниқланди.

Хулоса. 2023 йил ҳаво ҳарорати мавсумида ҳаво ҳарорати ўрганиб таҳлил қилинганда бироз юқори бўлганлиги яъни

17,8-24,7°C кўтарилганлиги билан аниқланди. Мавсум бўйича ёғин, миқдори кескин камайганлиги 53.1 мм ни ташкил этди. Ҳосилдорлиги кўрсаткичи таҳлил қилинганда 6 та тизмаларда Луз де ОтонохСел. 2008 Латт. 638, САЕА, Миср 1, Миср1Х СЕЛ.2008 ЛАТТ.49ЛБ тизмаларда дон ҳосилдорлиги 11 с/га дан 11.6 с/га гача ҳосилдорликка эришилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Muktadir M.A. yet al physiological and biochemical basis of faba bean breeding for drought adaptation –A.review // Agronomiy-2020.T.10 -№ 9 –S.10.
2. Elektron resurs // Qishloq xo'jaligi fanlari. - M., 2014. - Kirish rejimi: <http://www.science-educatio.ru/118-14302>
3. Арсеньева Е.В., Мармулева Е.Ю. Насекомые на посевах сои в северной лесостепи Приобья // Достижения и перспективы студенческой науки. Сборник научных студенческих трудов агрономического факультета, посвященный 80-летию Новосибирского ГАУ. – Новосибирск, 2016. – С. 19– 2